

ИШЧИ ОИЛАСИ

Бу саҳифада Тошкентдаги бадиий каштачилик фабрикасининг бош мастери Хайри опа СОБИРОВА оиласи ҳақида ҳикоя қилинади



ФАРЗАНД ТАШАККУРИ

Фабрикада борганимизда Хайри опанинг кенжатои Назира Махмуд Абдурахмоновнинг маслаҳатига кўра эртаси кун келди. Назира Абдурахмоновани дўппи пехидан чиқиб келадиганда учратди. У ёнидаги дўппида янги нусхадаги дўппи узатди. Фабрика ишлаб чиқариш бўлимига йўл олди.

Катта инженер Абдумалик Абдурахмонов сўзларини бизга таништирар экан, ярим ҳазил, ярим чин оҳангга унга юзланди:

— Уйга одам юбормоқчи экан, хайрият ўзинг келиб қолдинг. Қилаётган ишлар тикатган дўппиларнинг ҳақида икки оғиз гапириб берамиз.

Билмадик, Назира кутимизда берилган саволдан ўзини йўқотиб қўйдими, хайрон бўлиб бир зум туриб қолди. Кейин цех бошлиғига ишора қилиб, «Махмуд оламдан сўраб қўй, қолсангиз бўлмасин» деди камтарлик билан.

Бир дақиқа чоғга жимлик тўкди. Мақсадимизни аниқлаган қиз аста гап бошлади:

— Мактабни тугатлаб, оймиларнинг маслаҳатига кўра дўппи цехига ишга кирдим. Мана тўрт йилдирки, шу ерда ишлаб келиман. Ойим доимо ишимдан қўқулоқ бўлиб турадилар. Бирон-бир янги нусха ижод этсам, аввал уларга кўрсатаман. Чунки уларга маъмул бўлган иш бошқаларга ёқиб ҳам турган гап. Талабчанликда уларга етадиган одам бўлмаса керак.

Бир воқеа ҳамон ёдимда. Янги ишга кирган пайтларим эди. Цехда вазифани охирига етказолмай уйда давом эттиришга қарор қилгандим. Иш билан овора бўлиб, ованинг тепада кузатиб турганини пайқамай қолдиман. Бир вақт ишгоб билан қўлимдан ишни тортиб олдилар.

— Бу нимаси? Қизил йпак ёрига пуштисини иштилобсан Нусхага қара. Мендан кетгунча қабилда иш тутсанг кўпчилиги олдида шарманда бўлиб қолсинг ҳеч гап эмас, — дедилар жаҳл аралаш ва итга билан чокларини сўнишга тутиндилар.

Шу кунни онам ишдан қарчаб келишларига қарамай, ярим ке

чагача биргалишиб дўппи тикдилар. Уларнинг қаққон ҳаракатларини зимдан кузатар эканман, ҳавасим келар, уларнинг қўлида ипак жонга қираётгандек, булобуллар хониши, атиргул исн уйимизни қамраб олгандек туюларди менга.

Эртаси кун тиккан дўппиларни цехга олиб бордим. Техника контроли бўлимидаги аёл ишни кўраб негадир кулиб қўйди. Уялиққираб, сабабини сўрадим. — Хайри опанинг қўлини, каштасини ярим кечада ҳам акра-таоламан, қизим. — деди у қорозга алланималарни ёзар экан.

Энди ишларим юришиб кетди. Ўтган ой кўрсаткичини 120 процентга етказиб адо этдим. Фабрика маъмурияти меҳнатимни муносиб таъдирлаб келаяпти. Бир неча марта маъвор қорғалари, ёриқлар билан мукофотландим.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунга социалистик маъмурият олганман. У ҳам бўлса яна икки янги нусха ижод эттирдир.

Каштачилик оиласи жамул-жам. Хайри опа Собирова поппо цехнинг социалистик мусобадада яна голиб чиққани ҳақидаги қувончли хабарни фарзандларига мамнулик билан гапириб бермоқда. Фарзандлар ҳам она қувончига шерикдилар. Бунинг севинч бал, қиб турган чехралардан билиб олиш қийин эмас. Суратда: Хайри опа (ундан иккинчи) ва унинг ўғил-қизлари

ОНАХОН

ЎЗБЕК КАШТАСИ ЧЕТ ЭЛДА

Фабрикада тикилаётган турли-туман кашталар фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Шу кеча-қундузда поппочилар муҳим тошчирикни бажариш учун бел боғлашган. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамияти ташаббуси билан Хиндистон пойтахти Деҳлида ташкил этиш мўлжалланмоқда. Хайри опа Собирова бошлиқ бир гуруҳ па моҳир чеварлар таштакага атаб сўзана, чой-шай, гулқўрпа ва бошқа бадиий каштачилик маҳсулотлари тикишга киришдилар.

Корхона яқин йиллар ичида ўндан ортиқ ана шундай халқаро миқёсдаги виставкаларда қатнашди. Жумладан ўтган йили Туркия, Болгария, Халқ Республикасида ўз санъатларини на мойиш этган каштачилар виставка жюрисининг ташақкурномасига сазовор бўлишди.

Уйлаймизки, навбатдаги кўриқда ҳам чеварларимиз республикамиз амалий санъатини янада юксак поғонага кўтаришди.

Одатда бундай кишилар камгап, камсухан бўлишади. Улар билан суҳбатлашиб қолсангиз қилаётган ишлари, турар-турмушлари ҳақида қисқина жавоб қайтаришади: «кўпчилик қатори ишлаб турибмиз, рўзгоримиз бут, бировдан олдин, бировдан кейин яшаётимиз» дейишди камтаринлик билан.

Оддий тикувчиликдан цех мастери даражасига кўтарилган, ўзининг аjoyиб, гузал, ранг-баранг чойшаб, палак, сўзаналари билан минглаб хонадонларга фойз киритган бу аёл ҳақида ёзишни кўпдан бери оруз қилардим. Аммо ботинимасдим. Чунки опанинг қўлидан чиққан кашталар чех, немис, поляк биродарларимизни қойиб қолдирган, Бельгия меҳнаткашлари таҳсинига сазовор бўлган. Қисқаси, у республика амалий санъатини жаҳонга машҳур қилганлардан бири.

Тасодифан, Хайри опа Собирова қўлида тарбияланган шогирди, ҳозир поппо цехида смена мастери бўлиб ишлаётган Саодат Тохирова билан учраб қолдим, бу учрашув бир йил мўқаддам кўнглимга туртиб қўйган орузимни яна алағалатиб юборди...

1939 йилнинг баҳори. Совет жангчилари оқфинларга қарши курашда жон олиб-жон бераётган кешлар. Барча корхона ва муассасалар ҳарбий изга кўчирилган. Оила бошлиғи Абдурахмон ака Ватан ҳимосига отланиб, рўзгор ташвиши Хайри опа зиммасига тушган. Уч болани едириш, кийдириш лозим. Қариндош-уруғлардан нажот куттишини ўрни ҳам йўқ. Ҳаммасининг ташвиши бошидан ошиб ётибди. Биров эрини, бошқаси жигарбандини фронтга жўнатган.

Кунларнинг бирини рўзгор ишлари билан Шайхонтоғур гузарига чиққан Хайри опа турмуш ўртоғининг экин ошмасига рўпара келиб қолди. Ҳасан ака шу вақтда тикувчилик артелида директор бўлиб ишларди.

Салом-алик, ҳолаҳвол сўрашганидан сўнг директор ўртага бир гап ташлади-ю, опани уйлотиб қўйди, лекин шу кунин тайинли жавоб бермади.

Икки кундан кейин Хайри опа тушлик тарафдунини кўраётганда беҳосдан эшик тақиллаб қолди. Чикки қараса, ўрта ешларга бориб қолган, кўзойнакли аёл пойғада турарди.

— Қани-қани, ичкарига, — деди нотаниш аёлни оқич чехра билан уйга тақлиф этаркан Хайри опа. — Тортинмай кирверинг.

— Узур. Вақтим зикрок. Артелдан юборишганди олдингизга, айтиб кел, деб.

Хайри опа директор билан гузарда бўлган учрашувни эсладиде, аял-тапиб кийиниб, артелга томон йўл олди.

Тикув машиналарининг босиқ овози, турнақатор тизилишиб ўтирган аёлларнинг батинини ҳаракатлари биров сарсиммага солди. У бир зум қаерга боришини, кимга учрашини билмай ту

риб қолди. Тикувчиларнинг заъфарон чехраларига, уйқусизлик, чарчокдан ич-ичига тушиб кетган кўзларига боқаркан, кўнглидан ўтказди: «Лаънати уруш, одамларни не кўйга солиб қўйди».

Шу пайт орадан «қолдингизми, янган деган овоз эшитилди-ю, ҳаёли бўлинди Хайри опанинг. Қайрилиб қараса, директор.

— Чакиртирган экансиз, — деди йиманибгина Хайри опа.

— Ҳа, уйлаб кўрдингизми? Иккинланмай, ишни бошлайверсангиз ҳам бўлади. Уддасидан чиқасиз. Хайри опа ишни эплатириб кетишдан чўчимади. У онаси билан ёнма-ён ўтириб, неча-неча ироқи дўппилар, чойшаб гулқўрпалар тиккан. Масаланинг бошқа бир томони кўнглини бироз ҳира қилиб турарди. У ҳам бўлса кўксайиб кундан қолган қайнасанга уч болани ташлаб кетиш эди...

Вақтда мувофиқ эртаси кун у ишга чиқди. Директор айтганидек, Хайри опага махсус хона, тикув машиниси ажратилиб, зарур ипаклар келтириб қўйилган. Олдинги у ишни нимадан бошлашни билмай, иккинчили турди. Кейин онасидан қолган зардворни ёзиб, туширилган нусхасини бир бошдан сичкилаб кўздан кечирди...

— Икки ой ёлғиз ишлашга тўри келди. Юклатилган вазифа беш-олтита чойшаб, кирпеч, зардворнинг янги нусхасини яратиб эди. Бу ишларни қўлдан чиқарган, Ҳасан ака билан қилиш, поппо цехи ташкил этиш ҳақида эълон ёпиштирдик. Тез орада, қарабсизки, тикув машиналари сонин ҳам, тикувчилар ҳам кўпайиб қолди. Ҳар ойда энди 20-30 тедан миллий сўзаналар тайёрлаб бошладик, — дейди Хайри опа ўтмиш хотираларини кўз ўнгига жонлантирар экан. — Қачонки поппочилар 20 дан ошиб қолса, машиналар етишмай қолди. Икки икки сменада ташкил этишга қарор қилдик.

Шундай. Хайри опа бошлиқ 300 дан ортиқ чеварларни бирлаштирган, миллий каштачиликмиш оламга машҳур этилган поппо цехи 1939 йилнинг баҳориди шу тарзда ташкил этилди. Опахонимиз ўнлаб гул қизларга боғбон бўдилар, ширин оруз-умидлар билан боғ барпо этидилар, қалб қарорати, меҳр чашмаси билан уни парварош этиб, мангуликка ҳайкал ўрнатдилар.

30 йилдаёқ ошди опанинг нафосат шайдолари даргоҳига келганига. Ҳалол меҳнат, ийлаб олиб борилган изланишлар моҳир чеварни улуғлади. Унинг қалб кўрини қўшиб тиккан аjoyиб кашталар неча-неча келинчақлар уйини яшатади. Ипак билан жонлантирган буюк сиймолар акс эттирилган паннолари ўнлаб кўргазмаларнинг юксак мукофотига сазовор бўлди.

— Мамлакатимизда ўтказилаётган бирон-бир кўргазма йўқки, Хайри опалар ўз кашталари билан қатнашмасинлар, — дейди бадиий каштачилик буюмлари фабрикасининг директори Екут

хон Акберова. — Мана турли шаҳар, мамлакатлардан ҳурматли устозимиз адресига келган хатлар. Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Бельгия, Поляша... Ҳ-ҳу, бундай хатларнинг сонини йўқ. Ҳаммасида Хайри опа бадиий каштачилик санъатига юксак баҳо берилган.

1 класс мастери Хайри опа талантли чевар, ташаббускор чех бошлиғи. Айин чоғда ёшларнинг меҳрибон онасини, талабчан устозин ҳамдир. Унинг қўлида бадиий каштачилик сир-асорларини мукаммал ўзлаштириб олган чеварлар бисиксиз фабрикада. Ҳувайдо Оллоёрова, Ҳақида Шайхонтоғур, Асма Аккурна ва бошқа юзлаб корхона машаққатлари ундан ҳунар ўрганишганди фазланиб юришади.

Хайри опа ихтирочи ва рационализатор сифатида ҳам шўхрат қозонган. Мисол ахтариб ўзюкка бормаймиз. Цех мастерининг ишлаб чиқаришга киритган сўзана тикиш технологиясини йилга икки ярим минг килограмм ипак тежаси имконини берди. Меҳнат унумдорлиги анча кўпайди.

— Хайри опага ҳавасимиз келади, — дейишади унинг қўлида ҳунар ўрганган шогирдлари. — Ешларни уяғайиб қолган бўлса ҳам бизрэм тиниб-тиничмайди. Кўзимизга оддий бўлиб кўринган камчиликлар ҳам опанинг нигоҳидан четда қолмайди. Лозим бўлиб қолса бир ишни қайта-қайта тикишга мажбур эдилар. «Қўлинг секин қимирласа ҳам, тиккан каштанг сифатли чиксин. Сифатли махсулот — корхона шўхрати. Шунинг ёддан чиқарман» дейдилар.

Хайри опа Собирова цех мастери бўлиб ишлаётган поппочилар ўтган ярим йиллик пилани 117 процентга етказиб адо этишди. Пиландан ташқари 250 минг сўмлик махсулот реализация қилинди. Цехда тежамкорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ипакларнинг нес-нобуд бўлишига ҳеч ким йўл қўймайди бу ерда.

Партия ва ҳукуматимиз Хайри опанинг ҳалол, сидқидилдан қилган меҳнатларини муносиб таъдирлаган. У 1965 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени, бир неча медаллар, Фахрий ёрликлар билан мукофотланган. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги муносабати билан эса каштачилар она, хонининг исми фабрика фахрий китобига ёзиб қўйилди.

Хайри опани меҳнат улуғлади, элга танитди дедик. Худди шундай. 1957-59 йиллар давомида Октябрь райони меҳнаткашлари унга юксак ишонч билдириб, икки марта район Советига депутат қилиб сайландилар.

Республика бадиий каштачилик фабрикасининг бугунги муваффақиятларида Хайри опа Собирова бошлиқ каштачилар оиласининг қўшаётган улуши салмоқли. Бу ерда онахонимизнинг ўғли Абдумалик Абдурахмонов ишлаб чиқариш бўлимида — катта инженер, келини Малика — бирикчи, қизи Назира — дўппи цехида ишлайди. Бу бахтиёр оила ишлаётган аjoyиб коллектив бизнинг хонадонларимизга фойз киритаяпти.

ҚИРҚ ҲУНАРЛИ ҚИЗ

Цех бошлиғи Собир Нўлдошев ҳам, Маликанинг қайнонаси Хайри опа ҳам, қолаверса бутун корхона коллективи бу камтарин, меҳнатсевар қиз билан ҳақди равишда фахрланишади.

Мана, 15 йилдирки Малика Абдурахмонова шу фабрикада ишлаб келаяпти. Оддий бичувчи қиз ҳалол меҳнати оқсидида ҳурмат-эътибор қозонди. Бирон кун, бирон ой йўқки, у пилани 110-120 процентга етказиб адо этмаган бўлсин.

Ўтган вақт ичида у бир неча қасбини ўзлаштириб олди. Гулқўрпа ёни чойшаб, дўппи ёни кўрпага сирма тикишга ўтказиладими, бичувчилик ишига қўйиладими унга барибир, ҳаммасининг улдасидан чиқади.

— Маликанинг қўли гул, — дейди цех бошлиғи С. Нўлдошев. — Унинг бичган материаллари белгиланган стандартда бўлиб, каштачилар қўлини тутмайди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан цехимизда бошланг кетган социалистик мусобадада Малика Абдурахмонова пешқадамлик қилапти.



Поппо цехида иш қизин. Ҳар бир каштачининг фикри-ақридекларо бошланг кетган мусобадада голиб чиқиб, аjoyиб чойшаб, гулқўрпа, сўзаналар билан хонадонларимизни гулгун яшатапти. Суратда: Хайри опа Собирова шогирдлари иш устида. А. Абоян фотолари.

ФАБРИКА ИСТИҚБОЛИ

Ишлаб чиқариш бўлимининг катта инженери Абдумалик Абдурахмоновни ўз хонасидан тополмадик.

Цехларда ҳаёт қайнайди. Қизини меҳнат оҳани, тикув машиналарининг гувиладган овози бир зум тинмайди. Поппо цехига кирверинида Хайри опага дуч келиб қолдик.

Абдумалик доскут цехига кириб кетди. Ҳува анави ерда, — деди бош мастер чап томондаги бир қаватли биного ишора қилар экан. Инженер тикувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб бўлгач, ўз хонасига бошлади.

— Корхонамизда жами бир минг саккиз юз тикувчи ишлайди, — деди инженер мақсадга қўчиб. — Уларнинг яримдан кўпроги уй-рўзгор ишлари билан банд бўлгани учун уйда иш

тикишади. Махсус машина ажратганимиз. Вақти-вақти билан уйда ишловчиларга зарур бўлган газлама, ипаклар етказиб турилади.

Кейинги вақтда бадиий буюмлар фабрикаси махсулотини сон ва сифат жиҳатдан ўси, турларини ҳам анча қўлайди. Ҳозир мамлакатимизнинг турли шаҳар ва республикаларига 33 хил каштачилик буюми етказиб берилган. Фабрикамиз бўйича ярим йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича ошариб адо этилди. Икки кварталдан бери кўчма

қизил байроқни ўз қўлимизда сақлаб келияман.

Бундай ютуқларини қўлга киритишимизнинг сабабларидан яна бири шуки, эскириб қолган 22 класс машиналарини 97 класс машиналарига алмаштирдик. Натижада махсулот ишлаб чиқариш бир ярим баравар ошди, сифати яхшиланди, чоклар силлиқ, текис чиқа бошлади. Шунингдек, қўйлаб ортпо қолувчи қийқиқдилар ҳам эдиликда ўз ўринини топти. Янги ташкил этилган лахта цехида қийқиқдилардан салфет

на, болалар ички, устки кийимлари, қўқоплар тайёрланапти.

Дўппи цехи ҳам кенгайди. Янги машиналар билан жиҳозландиларди. Фотофильм печат машинасининг ўрнатилиши ва ишга туширилиши натижасида бир ойда 30 мингга яқин маргилон дўпписи ишлаб чиқарилапти. Оғир, машаққатли ҳисобланган тепчук пилта қилиш ишлари ҳам эндиликда машиналар зиммасига юклатилган.

Юқорида айтганимиз каби фабрика мамлакатимизнинг қатор республикалари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Ай

ниқса, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия меҳнаткашлари бизда тайёрланган чойшаб, гулқўрпа, «Москва» нусхали кўрпа сирмалари кўплаб харид қилишади.

Абдурахмоновнинг ўз корхонаси ҳақида ҳаёлонлиги қилаётган ҳикоясини тинглаймиз-ю, кўнглимдан ўтказаман: гап-сўзларини ҳам, кўнгоҳлигини ҳам қўйиб қўйгандек, Хайри опанинг ўзи...

Инженер гапида давом этарди: — Масаланинг бир томони ишмизга бироз соя ташлаб

Гап тикувчиларнинг дам олишлари, уларга яратилган маданий-маиший шарт-шароитлар ҳусусига кўчганида ишлаб чиқариш бўлимининг катта инженери очилиб кетди.

— Бу масала бизда ахши йўлга қўйилган. Шу йилнинг узида турт қизимиз — Мунжия Қосимова, Рихис Махмудова, Сабохат Ҳамидова ва Маъсудалар туристик путовка билан Польша Халқ республикасига саёҳат қилиб қайтишди. Бирнеча тикувчиларимиз эса қасба союз йўли билан Маргилон, Қўйрав ва бошқа сўлим, ҳушмакжара дам олиш уйларида қордиқ, чиқаришмоқда.

